

## Масжидун Набавий кутубхонаси қайта очилди



13:58 / 26.04.2025 1407

Масжидун Набавий кутубхонаси бир йил давом этган таъмирлаш ишларидан сўнг қайтадан фаолият юритишни бошлади. Бу ҳақда [theislamicinformation.com](http://theislamicinformation.com) сайти хабар берди. Кутубхонада асрлар давомида сақланаётган нодир ва ноёб матнларни муҳофаза қилиш бўйича замонавий тизимлар жорий этилди. Шунингдек, кутубхонада академик тадқиқотчилар учун алоҳида кириш жойлари ташкил этилган. Ушбу кутубхона ҳар куни бомдоддан то хуфтон вақтигача ишлайди.

Кутубхона ходимлари нодир қўлёзмалар ва тарихий обидаларни асраб-авайлаш билан бир қаторда, ташриф буюрувчиларга қулайлик яратиш мақсадида янги хизмат турларини ҳам йўлга қўйдилар.

Таъмирлаш ишлари Масжидун Набавий мажмуасини модернизация қилиш доирасида амалга оширилди. Яқин ойларда мажмуанинг бошқа ҳудудларида ҳам шунга ўхшаш янгиланиш ишлари олиб борилиши режалаштирилган.